

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚУМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учқуни»
номи билан чиқа бошлаган№ 30 (65857)
1995 йил, 15 август, сешанбаСотувда
эркин нархда

ХУНАРДАН РИЗҚИНГ УНАР

Болаликда мулоҳаза юритишдан кўра ихтиро қилишга, маслаҳатдан кўра амалга оширишга, бирор иш билан шугулланишдан кўра турли-туман ҳаёллар суришга мойил буладилар. Аммо фойдали меҳнат билан мустаҳкам боғланганларгина орзу-ниятларини амалга оширадилар. Ёшлигини асраганлар, уни олтин каби истаган нарсага ишлатиши мумкин эканлигини билганлар бир кун ирқин хотиралар билан хуррам яшайдилар, ёшлигим ҳайф кетди, демайдилар. Тугилишданоқ парвозга шай бўлиб яшаётган иқтидорлилар ҳамisha ҳаммамизнинг назаримиздадир. Жаҳоннинг турли мамлакатларида, жумладан, Франция, Англия, АҚШ, Германия сингари давлатларда утказилган нуфузли танловларда иштирок этиб, мустақил республикамизнинг донгини оламга таратишда ҳисса қўшган, соврийлар олиб, ота-оналари, қариндош-уруғлари, устозлари ва тенгдошларини хурсанд қилганларга юртбошимиз умид қўзи билан қарамоқдалар. 9 август кун Президент девонида икки ёш созандага Президент стипендиясини топшириш маросими бўлди. Академик Ислон Каримов гонораридан ташкил топган мукофотни Даниил Ҳолиқов ва Лазиз Зокировлар олдилар. Республика Президентининг давлат маслаҳатчиси Алишер Азизхўжаев таъкидлаганларидек, бундай воқеа ҳали бошқа мамлакатларда йўқ. Даниил Успенский номидаги Республика махсус мактаб-интернатининг 5-синфида ўқийди. Лазиз Зокиров эса Фарғона вилоятидаги 25-музыка мактабининг 2-синф ўқувчиси. Даниил Буюк Британияда ёш скрипкачилар халқаро танловида санъат шайдоларини лол қолдирган бўлса, Лазиз Муҳиддин Қори Ёқубов номидаги республика халқ чолғу асбоблари ижрочилари курик-танловида моҳир гижжакчи сифатида шуҳрат қозонган.

Лазиз ва Данииллар вақтни қадрлаб муайян мақсад сари интилгани, узини идора қилиб, меҳнатсеварлиги билан гузал хислатларни эгаллагани учун бундай ютуққа эришдилар. Биз Даниил ва Лазизларни қутлар эканмиз, юртимиз келажаклари — барча болаларга уларнинг муваффақиятларини тилаймиз.



БИР ҲАФТА ЯНГИЛИКЛАРИ

Пойтахтимизда «ЮНИСЕФ» ва «ЭКО-САН»нинг экология ҳалокати зонасидаги болалар ва аёллар саломатлигини муҳофаза қилувчи «Аспера» лойиҳасини таништириш маросими бўлиб ўтди.

Бухоро шаҳридаги «Камалак» номли маданият уйида ёш дорбозлар мактаби очилди.

«Ўзбексавдо» давлат акционерлик уюшмаси ҳамда Ўзбекбирлашув бошқаруви жойларда 710 га яқин мактаб бозорларини очди.

Пахтаобод туманининг Маданият қишлоғида физика ва математика фани чуқур ўргатиладиган лицей очилди.

Қувасойда «Моҳидил» ва «Ёқут» фирмалари ҳисобидан кам таъминланган оилаларнинг 25 нафар фарзандига ҳатна тўйи қилиб берилди.

Бекобод туманида «Номинг хурдиер» деб номланган болалар сайли ўтказилди. Унда оромгоҳларда дам олаётган болалар иштирок этишди.

Чинор тагида байрам

Шаҳрисабз туманидаги Амир Темур жамоа ҳужалигига қарашли «Гунча» болалар богчаси тумандаги энг сара богчалардан. Бу масканда кичкинтойларнинг ором олишлари, уйнаб-қулишлари, турли-туман қизиқарли ўйинлар ташкил этишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайе қилинган. Меҳрибон ва жонқуяр тарбиячи опалари болажонлар атрофида парвона.

Бундан йигирма йил муқаддам Шароф Рашидов Шаҳрисабзга ташриф буюрганларида мазкур болалар богчасининг очилиш маросимида ҳам иштирок этгандилар ва бу ерда бир туп чинор кучатини ўтқазгандилар. Бугунги кунда каттагина дарахтга айланган, кукка буй чўзиб, савлат тукиб турган бу чинор яна бир тантананинг гувоҳи бўлди. Унинг соясида богчанинг 20 йиллик тўйи нишонланди. Туман ҳокимининг муовини Ҳосият опа Муҳаммадиева, богча мудираси Ҳаловат Жумаевалар богчада тарбияланаётган 140 нафар кичкинтойни ва уларнинг тарбиячи опаларини самимий муборакбод этишди. Болажонларнинг бадиий чиқишлари кечага ўзгача файз бағишлаб, улар ижросидаги қувноқ куй ва қушиқлар меҳмонларга манзур бўлди.

Адҳам КАРИМОВ.



Яшаймиз яйраб,
Нур бағрида,
Булбулдек сайраб,
Юрт боғида.
Қуёш бизники,
Ўғил-қизники!
— деб қўйлашади «Гунча» кичкинтойлари.

Дўстнинг кимлигини айт, сенинг кимлигининг айтмаман

ТОЖИК ДЎСТИМ ҲАҚ ЭДИ

Бу воқеа Тожикистонда биродаркушлик уруши давом этаётган кунлар содир бўлганди.

Менинг бувим, яъни дадамнинг ойилари Шахрихон шахрининг шундоққина узида яшайдилар. Биз у ерга баъзан бориб турамыз. Ушанда Ҳасан-Ҳусан амакиларим Армияда хизматда бўлиб ҳовлида буш хоналар куп эди. Бир гал борсак, ойимникида янги бир оила пайдо бўлиб қолди.

— Ким улар, қочоқларми буви, — дедим тожикларнинг миллий кийимидаги икки аёл, ун икки ёшлар чамасидаги бола ва бир эркакни куриб.

— Қочоқлар эмас, болам, Кулобдан келишган, бу ерда қариндошлари бор экан. Бор-йуқларини ташлаб зурга жонларини сақлаб қолишибди, — дедилар бувим соддалик билан.

— Сенинг отинг нима, юр уйнаймиз, — дедим қовоқларини солиб индамай турган болага.

У баттар украйиб тескари қаради.

— Болам, улар бу ерга ишга жойлашиб, урнашиб олишса, куч-кўронларини олиб бутунлай келишар экан, — дедилар бувим яна вазиятни юмшатмоқчи бўлиб.

— Булмаган гап! — бирдан дод дегудай бўлиб қичқирди бояги бола. — Биз уз юртимизга қайтиб кетамиз. Ота-онам кетмаса, мен қочиб кетаман!

Бу гапдан сунг орадан бир оз вақт ўтгач, яна ота юртимизга бордим. Ва кўрдимки, тожик дўстим ва унинг оиласи уз юртига қайтиб кетишган экан.

Жамолiddин СОЛИЕВ,
Тошкентдаги 12-мактабнинг 7-синф ўқувчиси.

УЙИМИЗНИНГ ДЕВОРИНИ СИЛАДИМ

Холамникига боргандик. Укам бирдан касал бўлиб қолди. Иситмаси кутарилиб, инжиқлана бошлади. Холам шифокор бўлгани учун бизни уйга юбормай, ўзи муолажа қилди. Ойим укамни бағрига босиб, соф ҳаво олсин, деб боғни айлантирди, бобомнинг ҳам тинчи йўқолиб, аллақандай гиеҳлардан дори тайёрлаб ичирди.

Бироқ укамда узгариш бўлмади. Кечга бориб исити бағрлар кутарилди. Ойим қўрқиб кетдилар. «Юр, болам, уйга бориб, «тез ёрдам» чақира қолайлик, кўнлимга ҳеч нима сиймапти» дедилар безовталаниб.

Хайриятки, тоғам келиб қолдилар, уларнинг энгил машинасида уйга етиб олди. Хонамизга кириб келишимиз билан укам йиғлашдан тўхтади. Ойим энгил тин олдилар. Мен ҳам вужудимда қандайдир энгиллик ҳис қилдим.

— Болам, чой қуйиб юбор, бир асалчой билан мириқайлик, — дедилар ойим чехралари ёришиб.

Орадан бирор соатлар вақт ўтганда укамнинг иситмаси тушиб, бир текис нафас олиб ухларди.

Мен шунда нимқоронгу уйимизнинг деворларини силагим, аллақандай узига хос ёқимли исанқиб турган ҳавосидан туйиб-туйиб сипқоргим келди.

Искандар ОДИЛОВ.

ТУН БЕЗОВТА ЭДИ...

Ён қўшнимиз Надя бу хола уруш даврида юртимизга келиб қолган. Ёши саксондан ошиб қолган бўлса-да, анча тетик, тез-тез ҳовлига чиқиб сайр қилиб туради. Жуда ширинсуз, меҳрибон кампир. Аммо унинг на қариндош-уруғи, на фарзанди бор, ёлғиз.

Уша қуни хола ҳовлига айланишга ҳам чиқмади. Қоронгу тушди. Негадир ундан хавотирлана бошладим. «Кекса одам, уйда ёлғиз турганиб-сурганиб йиқилиб тушса-я, унга ким ердам бераркин?» деган совуқ ҳасл мени сира тарк этмасди. Туни билан безовталаниб, ухлай олмадим. Саҳарга яқин қўшнининг эшиги қаттиқ тақиллашдан чучиб уйғондим. «Бувига бирор нарсаси бўлган бўлса-я?» деган муздай фикр ўтди ҳаслимдан. Югуриб ташқарига чиқдим. Ҳақиқатан ҳам шундай экан. Тунда у қаравотдан йиқилиб, оёғи, бели синибди. Чақирилган «Тез ёрдам» ҳам унинг оёғини гипс қилиб, қайтариб олиб келиб ташлади. Мени булса бир ташвиш қийнади. «Бечорага энди ким қарайди, уриндан тура олмаса...»

Бекорга ташвиш тортган эканман, яна бир қўшнимиз - Насиба кеннойининг унга овқат олиб кириб кетаётганини куриб қолдим. Хайрият, деб хотиржам бўлдим.

Орадан уч-тўрт кунлар ўтгач, қўшнилариим мана бу гаплар мени ҳайрон қолдирди. «Анави Надя хола-чи, ўзи турган уйни аллақимга хатлаб берган экан. Насиба бечора савобликка қараяпти. Чой ичиради, овқат едиради, ҳожатга олиб боради. Барака топсин». Бор гап шу. Аммо қўшнимиз Насиба кеннойимга нисбатан ҳурматим янада ошди.

Озода РОМАНОВА,
Тошкент шаҳар,
Комил Ёрматов
номидаги мактаб
ўқувчиси.



Менинг дадам ўзбек, онам қозоқ миллатига мансублар. Бувимнинг айтишларича, дадам Қозогистоннинг Қизил Урда шаҳрида ҳарбий хизматни утаб юрган чоғларида онам билан танишиб қолишган ва Фарғонага олиб келган эканлар. Кейин эса катта туй қилиб,

ган «Туптош», «Ким чаққон?», «Қирқ тош» каби уйинларни уйнашар экан. Маҳаллалари ҳам болалар билан гавжум, худди бизнинг кучалар сингари. У ерда юрибману худди уз уйимда, Фарғонада юргандекман. Кечкурун бувам билан ҳовлидаги супада ётдик. Алламаҳалгача уйқум

ИККИ ХАЛҚ ФАРЗАНДИМАН

онам ўзбек хонадонига келин бўлибдилар.

Оилада 3 фарзандимиз. Мен ҳам, ука ва сингилчам ҳам қозоқ ва ўзбек тилларида бемалол гаплаша оламиз. Яқинда Қизил Урда шаҳрига бувамларникига меҳмонга бордик. Дадам, ойим ва укаларим бир неча кун туриб, Фарғонага қайтишди. Мен эса таътил бўлгани учун бувамларникида қолдим. Дастлаб кучамиздаги ўртоқларимни соғиниб, зерикиб қолсам керак, деб уйлагандим. Бироз бегонасираб кучага чиқдим. Бир зумда атрофимни ўзим тенги, мендан каттароқ, кичикроқ болалар ураб олишди.

— Ҳой бола, исминг нима? — сурашди мендан қозоқ тилида...

Биз тезда дўстлашиб кетдик. Айниқса, Серикбой исмли бола билан қалин ўртоқ бўлиб қолдик. Улар ҳам биз уйнайдик,

келмади. Уйғоқлигимни куриб, бувам гапга тутдилар:

— Болалар билан танишиб олдингми?

Мен ҳаммасини айтиб бердим. Шунда бувам бу ер ҳам уз уйим эканлиги, қадимда ўзбек ва қозоқ халқлари биргаликда яшаганликлари, оғанин бўлиб қиз олиб, қиз беришгани, бир дарёдан сув ичиб, кўпқарилар чопишгани ҳақида сўзлаб бердилар. Мен эса бувам сўзлаб берган ўзбек ва қозоқ халқлари тарихига оид, Марказий Осиё халқларининг қондошу жондош эканликлари ҳақидаги қизиқарли ҳикояларни дўстим Серикбойга ҳам, фарғоналик ўртоқларимга ҳам сўзлаб беришни дилимга тугиб, ширин уйкуга кетдим.


**Султонмурод
ЗУФАРОВ,**
Фарғона вилояти,
Яйпан шаҳри.



ТАРЖИМОН КЕРАК БЎЛМАДИ

Таътилниинг иккинчи ойини Хумсондаги сулим гушалардан бири — «Гулистон» болалар оромгоҳида ўтказдим. Оромгоҳимизда мингдан зиёд угил-қиз хордиқ чиқардик. Бир ой давомида турли миллат болалари бир оила фарзандларидек аҳил яшадик. Ҳар қуни бирон бир талбир ўтказамиз. Сафда юриб қўшиқ куйлаш конкурси, спорт мусобақалари, рақслар кўриги, эҳ-ҳе, қай бирини айтмай?! «Туркистон — умумий уйимиз» мавзуида ўтказилган мусиқий кечамиз айниқса, қизиқарли ўтди. Жонибек тожик тилида қўшиқ куйлади, Қосим думбира чергди, биз укам иккимиз атлас куйлагу бекасман чопон, дўпчилар кийиб рақсга тушдик. Яна қанчадан-қанча шеърлар янгради. Турли миллат фарзандлари булса-да, бир-биримизни ҳеч қандай таржимонларсиз, жуда яхши тушундик.

Наргиза ЖАЛИЛОВА,
Тошкент шаҳри.





Азиз болалар, Ҳиндистонда миллий-озодлик ҳаракатининг йирик намоёндаларидан бири, кейинчалик мамлакатнинг биринчи бош вазири бўлган Жавоҳарлаъл Неру қамоқхонадан жажжи қизи Индира Гандига инсоният тарихидан сабоқ берувчи мактублар йўллаб турган.

Бир неча йиллар утиб, Ҳиндистон мустақилликка эришгач, ушбу мактублар «Жаҳон тарихига бир назар» номи билан алоҳида китоб ҳолида нашр этилган. У бир қанча ажнабий тилларга таржима қилинган, дунёдаги барча болаларнинг сеvimли китобларидан бирига айланган. Ундан бизнинг элимизда етишиб чиққан буюк сиймолар ҳақидаги ибратли ҳикоялар ҳам муносиб урин эгаллаган. Ҳиндистон Республикаси мустақиллиги кунини арафасида Бобурга бағишланган бонни бироз қисқартирилган ҳолда диққатингизга ҳавола этамиз.

Бобурнинг 1526 йилда Деҳлининг заиф ва халқ нафратига дучор бўлган афғон султони устидан қозонган ғалабаси билан Ҳиндистонда янги давр, янги салтанат ҳукмронлиги бошланди. Бу салтанат унча катта бўлмаган та-

нафус билан 1526 йилдан то 1707 йилгача давом этди, яъни бир юз саксон бир йил ҳукмронлик қилди. Бу беқиёс кучқудрат ва шон-шухрат йиллари Ҳиндистоннинг доврўи бутун Осиё ва Оврупони тутган давр эди. Бу сулоланинг олти та машҳур ҳукмдори бўлган. Кейинчалик салтанат инқирозга юз тутиб, парчаланиб кетди. Маратхлар ва сикхлар унинг майда парчаларидан уз давлатларини тиклаб олдилар. Бобурийлардан кейин инглизлар келишган. Улар марказий ҳукуматнинг емирилиши, мамлакатдаги бошбошдоқликдан фойдаланиб, ас-

ҳаёт йўлида бошидан турли савдолар кечиби, уни яна қўлига киритди. Барча қийинчиликларга қарамай адабиёт, шеърят ва санъат билан шуғулланишга имкон топар, шону шухрат унинг ғайратини жуш урдирарди.

Кобулни забт этиб, Ҳинд да-рәсини кечиби утиб, Ҳиндистон ҳудудига кирди. Унинг қўшини у қадар катта бўлмаса-да, ихтиерида уша даврда Оврупо ва Ғарбий Осиёдаги ишга солинаётган янги тул, замбараклар бор эди. Унга қарши жангга кирган саф-саф афғон қўшинлари сон жиҳатидан кам, бироқ яхши таълим берилган, жангга урга-

га одам юборди. Буюк Сулаймон Истамбулни қурдираётган давр эди. Ушанда дунёга донг таратган турк меъмори Синан шаҳарни бунёд этаётган эди. У Ҳиндистонга суюкли шогирди Юсуфни юборди.

Бобур уз хотираларини ёзиб қолдирган. Бу аjoyиб асар муаллифнинг бой ички дунёсига назар ташлаш имконини беради. У бизга Ҳиндистон, унинг ҳайвонлари, усимликлари, дарахт ва мевалари ҳақида ҳикоя қилиб беради. Ҳатто қурбақаларини ҳам эсдан чиқармайди. Киндик қони томган юртининг қовунлари, узумлари ва гулла-

бутун тарихи давомида сақланиб келинади.

Бобур Ҳиндистонни тасвириб, давом этади. «Ҳиндустон аввалги иқлимидин ва иккинчи иқлимидин ва учинчи иқлимидиндур. Туртинчи иқлимдин Ҳиндистонда йўқтур. Тоғ ва дарёси ва жангал ва саҳроси, мавозитъ ва вилоят ва ҳайвоноти ва набототи, эли ва тили ва ёмғури ва ели барча узгача воқе бўлубтур... Синд сувини утгач, ер ва сув ва йиғоч ва тош ва эл улус ва роҳ ва расм шамол Ҳиндустон тарихидадур...» Кейин Ҳиндистоннинг ҳайвонлари, гуллари, дарахтлари ва меваларини санаб ўтади.

«Латофатеким, Ҳиндустонда бор-йўқ вилоятдур, — давом этади Бобур, — ва ол-тун ва ярмоғи қалин буладур.... Яна бир латофати будурким, ҳар синфдин ва ҳар хирфалардин беҳад ва бени-ҳоят кўптур. Ҳар иш учун ва ҳар нима учун жами муқаррар ва муайянмурким, она-оталаридин бери ул иш ва ул нимани қила келгандурлар».

Юқорида Бобурнинг эсдаликларидан парчалар келтирдик. Бундай китоблар қўпинча унинг муаллифи ҳақида ҳар қандай ёзилганлардан қура кўпроқ ва чуқурроқ тасаввур беради.

Бобур 1530 йилда қирқ етти ёшида вафот этган. Унинг вафоти ҳақида тилдан тилга ўтиб келаётган бир ривоят бор. Угли Ҳумоюн касалга чалинганда Бобур Аллоҳдан углига шифо тилаб, эвазига ўз жонини олишнинг илтижо қилади. Унинг ёлборишлари ижобат бўлиб, Ҳумоюн соғайиб кетган, Бобур эса бир неча кундан кейин бандаликни бажо келтирган экан.

Бобурнинг жасади Қўбулга олиб борилиб, уша ердаги севган боғига дафн этилган, армон қилиб юрган гулзорига етишган.

Мирза Анвар КАРИМОВ
таржимаси.

БОБУР

та-секин уз ҳукмронликларини ўрнатилган. Бобурнинг насл-насаби Чингизхон ва Темурга бориб тақалади. Шунинг учун ҳам уларнинг куч-қудрати ва ҳарбий салоҳияти унга мерос бўлиб қолган. Бобур уз замондошлари орасида энг маданиятли ва лобар инсонлардан бири эди. У бир мазҳабдаги чеklangанлик ва диний мутаассибликдан холи, ажодлари каби вайронагарчиликка йўл қўймас эди. Санъат ва адабиётга қизиқар, форс тилида гузал ғазаллар битарди. Анвойи гуллар, боғроғларга меҳр қўйган, иқлимни иссиқ Ҳиндистонда Урта Осиёдаги юртини қўмсаб яшарди.

Бобур Самарқанд ҳукмдори бўлганида ун бир ёшли бола эди. Унинг зиммасидаги вазифа оғир, атрофини ҳамма томондан душманлар қўришган эди. Унинг ёшидаги болалар мактабга қатнаган пайтда уруш майдонида қилич кўтариб жанг қилишга туғри келган. У тожтаҳтини қўлдан бериб, буронли

тилган қўшини, замбараклар ёрдамида қўнпа-яқун қилинди. Бобур урушда зафар қўчди. Бироқ бу ғалаба барча қийинчиликларни бартараф этолмади, бундан кейин ҳам тақдири қил устида турган пайтлар кўп бўлди.

Бир кун унга хавф-хатар солиб турганида лашкарбоншлари шимолга чекинишни маслаҳат бердилар. Бироқ у тегирмонга тушса бутун чиқадиған одамлар тоифасидан эди, чекинишдан менга улим афзал, дерди. У май ичишни яхши қўрарди. Уша кун ҳаётининг таҳликали дақиқаларида ичишни ташлашга қарор қилди ва барча май қадаҳларини чил-чил синдирди. Ғалаба унга насиб бўлди, шушу ичкиликни оғзига олмади.

Бобур Ҳиндистонда атиги тўрт йил подшоҳлик қилди. Тўрт йил жангу жадалларда утди. Осойишталик узоққа бормади, у Ҳиндистонда узини мусофирдек ҳис этарди. Бобур Аграда аjoyиб пойтахтга асос солди. Истамбулга — машҳур меъмор-

рини соғиниб тилга олади. Бобур гоёт синчков, зукко инсон эди. Биз уни мусофир киши сифатида баъзида ноҳолис фикрлар ҳам билдиради, деб уйласак-да унинг ҳикоялари Шимолий Ҳиндистон уша даврда ачинарли аҳволда эканлигидан далолат беради. Жанубий Ҳиндистонга унинг қадами етмаган эди.

«Ҳиндустон васе пурмардум ва пурҳосил вилоят воқе бўлубтур, — ҳикоя қилади Бобур, — шарқи ва жануби, балки ғарби ҳам муҳит дарёсига мунтаҳи бўлур. Шимоли би тоғдурким, Ҳиндуқуш ва Кофиристон ва Кашмир тоғлари била пайвастур. Ғарби шимолий қобул ва Ғазни ва Қандагор воқе бўлубтур. Жамий Ҳиндустон вилоятининг пойтахти Деҳли эрмиш».

Шу нарса диққатга сазоворки, Бобур Ҳиндистонни забт этганда қўшлаб шохликларга бўлиниб кетган бўлса-да, бутун мамлакатни бус-бутунлигича қабул қилади. Ҳиндистоннинг бирлиги ҳақидаги бу гоё унинг

Йўналишини вақтинча узгартириб юраётган 65-автобусда бораётиб 11-12 ёшлардаги уч тенгқур уртокнинг суҳбатига беихтиёр қўлоқ солдим.

— Э, менга қара, мактабимиззи бузвотти, кўрдингми?! — деб кўзлари ола-қула бўлиб гап бошлади бири.

— Алдама-а! Кечагина уша ердан утдим. Ҳеч қанақасига...

— Уз қўзим минан кўрдим!... Деворини йиқитиб, ҳовлини очиб ташлабди! — деди сабрсизланиб биринчи бола.

АВТОБУСДАГИ БОЛАЛАР

Шундагина учинчи бола катталардек вазминлик билан суҳбатга қўшилди.

— Автобусда билиб-билмай тортишгандан нима фойда! — деди у босиқлик билан. — Биз синфимиздаги болалар билан девор бузила бошлаган кунини мактабга етиб борганмиз. Аввал қоровул амакидан, кейин юқори синф ўқитувчиларидан сурадик — мактаб биноси эмас, ҳовли девори бузилаётган экан. «Нега бузиляпти?» десак катта куча борку, Форобий номидаги, ушани кенгайтиришяётган экан. Калхувузнинг устига ка-атта кўприк қуриляпти. Чиройли! Куча-чи, куча, Эски Жувагача туғ-ғри булар экан! Қойил!...

Биринчи ва иккинчи бола бу гапларга қўлоқ солиб жим бўлиб қолишди. Суҳбат тугади-ю болалар 111-мактаб бека-тида автобусдан тушибди. Мен болаларнинг кўзида узлари ўқийдиган мактабга муҳаббат туйғусини, узлари ҳар кунини юрайдиган йўллари раво ва гузаллашганидан фахр, қувонч ҳиссини қўриб, уларга ҳавасим келди.

Нигора МИРЗАЕВА,
Тошкент.



НИМА ФОЙДАЮ НИМА ЗАРАР?

Овқатларни бир-бирига аралаштириб еб бўлмайди. Масалан, қатиқни узум суви билан, барча турдаги овқатлардан кейин шафтоли ва урик истеъмол қилмаслик керак. Узум билан балиқни, сирка билан саримсоқ эки пиёз, саримсоқ ва хангал (горчица)ни аралаштириш керак эмас. Барча турдаги мевалардан кейин совуқ сув ичиб бўлмайди. Бундан ташқари асал билан қовунни, товуқ гушги билан балиқни, саримсоқ, боқла, айрон ва қатиқни ҳам узаро аралаштириш мумкин эмас.

Кам ейиш, кам гапириш, кам ухлаш, тишни тозалаб юриш, озода булиш, соч-тирноқларни устирмай олиб юриш, дўстлар билан хўшмуомала бўлиш, бировларга ёрдам қилини қўзиш, одамнинг доимо соғ-саломат юришига сабаб бўлади. Соч-соқолни қўл билан уйнаш эки тиш билан тишлаш, остона устига утириш, чап қўл билан овқат ейиш, тил билан либосни тозалаш, бировларни масҳара қилиш, кўп қўлиш, мевали дарахт тағида ҳожат чиқариш, бировларнинг тарағи билан соч-соқолни тараш, қозонга қўл солиб овқат ейиш, бозорда эки қабристонда овқатланиш, ота-она номини атаб қақариш, улуг кишилардан олдинга ўтиб юриш, ювинди ва ахлат ташланадиган ерга ҳожат чиқариш, уй ичидаги сувнинг устини очик қолдириш, уй ичида ургимчак ишларининг осилиб туришига йўл қўйиш, кийим-кечакни кийилган ҳолда игна билан тикиш, тиламчидан нарса сотиб олиш, юз қўлини либос этағи билан артиш, тиш билан тирноқни қисқартириш — саломатликка зарар қилади ва хунук қўринади.

«ЁЗГАНЛАРИМ ҲАЛИ ЎЗИМДА»



Бу қизнинг исми Роҳатой. Яқинда ун беш ёшга тулди. Моҳир шахматчи. Мен илгарилари «энг яхши шахматчилар фақат шаҳарда бўлади, чунки у ерда ҳамма имконият бор, ҳар қадамда шахмат тугараклари ишлаб туради» деб уйлардим. Янгилишган эканман. Қишлоқда ҳам шахматнинг илгарилаб кетганига анча бўлибди. Мана, Роҳатойни олинг. Шахмат ҳақида бир гапга тушса борми, уни тўхтатиб бўлмайди. Ҳамма сиру-асроридан ҳабардор. Очиги, мени жуда шошириб қўйди. (Шунда мен шахматни ундан кура чалароқ билишимни уйлаб унгайисизландим.) У гап орасида йирик шахматчилар номини санай кетди: Стейниц, Капабланка, Ласкера, Ботвинник, Филддон, Каспаров, Ананд, Чибурданидзе... «Сиз буларнинг ҳаёти ҳақида ўқиганмисиз?» деб суради. «Йўқ» дедим. Шунда у лабларини буриб, мендан «аразлагандек» бўлди. Бир зум индамасдан қолди...

Мен эса «Қурққан олдин мушт кутарар» қабишида аввал суз бошладим: «Менга қаранг, Роҳатой. Шахмат ҳақида мунча куп нарсани биласиз-а? Бу машғулотга қачон қизиқиб қолгансиз ўзи? Қани, гапириб беринг-чи?» Шунда ёш дустим «араз»ни ҳам унутди. Кузларида бир ут чақнаб кетгандек бўлди. (Одатда, бирор кишига ўзи ёқтирган нарсадан суз очсанг, у шундай аҳволга тушади.) У бир зум уйланиб қолди. Сунг гапни узоқдан бошлади. Мен эса уни жимгина тинглашни афзал кўрдим. Ахир, дустининг гапини бўлиш одобдан эмас-да...

— Сиз бизнинг Қизилтепа томонларда бўлганмисиз? (Бош чайқадим.) Нимшовхужай деган қишлоқда-чи? (Яна шу ҳолат.) Эҳ, шундай чиройли жойларни қўрмаган экансиз-да. Мен ана шу қишлоқда туғилиб ўсганман. Агар Бухорога йўлингиз тушиб қолса, қишлоғимизга албатта боринг, хўпми? Мазза қиласиз. Одамларимиз бирам ажойиб-да... Айниқса, ота-онам. Уларни шунақа яхши қўраманки... Иккаловиям қишлоғимиздаги 6-мактабда ўқитувчилик қили-

шади. Рус тили фани бўйича. Ҳая, исмларини айтмабман-а. Отам — Хайрулла Йўлдошев, онам — Инобатхон Йўлдошева. Аслида менинг шахматга қизиқишимга шулар сабабчи бўлишган. Отам, ўзлари шахматчи, мактабда ҳам шунақа тугаракни бошқарадилар. Эркин акам буш вақт топилди дегунча, нукул шахмат суришарди. Ирода онам билан мен уларнинг уйини томоша қилиб утирардик. Уйин қизиқ кетса, онам ҳам ишларини ташлаб югуриб келардилар. Отам ушанда менинг қизиқишим кўпроқ эканини билиб қолдиларми, «сента шахматни ургатиб қўяман» дедилар. Мен олти ёшда эдим шекилли... Осонгина урганиб олдим. Мактабдаги тугаракка ҳам ёзилдим. Биринчи марта мусобақага борганимни айтмайми? Бир неча мактаблардаги шахматчи йигит-қизлар қатнашишди унда. Уларнинг ичида энг кичиги мен эканман. Саккиз ёшда эдим. Ушанда мактабимиз биринчи уринни олган. Шундан сунг шахмат бўйича ҳамма мусобақаларга бизнинг мактаб ҳам қақриларди. Отам тугарак ишини янада кучайтириб юборди. Мактабимиз жуда омадли чикди. Вилоят мусобақасига ҳам қатнашдик. Ушанда мен биринчи галабага эришганман. Тўққиз ёшда эдим. Мусобақага келганларнинг купчилиги юқори синфдагилар экан. Олтинчи синфда ўқийдиган бир қиз билан уйнадим. Биринчи уйиндаёқ омадим келди. Биласизми, шунақа қувонганманки... Мусобақанинг иккинчи кунинида тўққизинчида ўқийдиган қизни уйинда қолдирдим. Кейинги кун яна бирини... Ушанда уйга қайтганимиз, мен худди учиб бораётгандекман. Галаба жуда ширин бўларкан!

Кейин ҳам жуда куп беллашуларда қатнашдим. Гоҳ ютдим, ютқаздим ҳам. Кўпроқ эсимда қолгани, Навоий шахри биринчилиги бўйича утказилган мусобақа — жуда қизқарли бўлган. Рақибларимни биринчи кунини турт уйинда, иккинчи кунини эса беш уйинда мот қилдим. Жуда куп мактабни юбордим-а? Ахир ютуқларинг ҳақида гапиринг келаварарканда. Куп марта ютқазганман ҳам. Ушанда-чи, жуда қийин бўлган. Кечалари ухламай тулғониб чиққанман, Ахир, узини энг кучсиз санасанг, нақадар ёмон! Отам шундай вақтларда менга далда берган. «Шахмат фақат ютиш ё ютқазилш дегани эмас, у ақллар уртасидаги кураш, ақлни чарчлагувчи уйин» деганлар. Отам тўғри айтдилар. Бир марта-чи, қизиқ бўлган. Рақибим катта ёшли, рус йигити эди. Уйнаганимиз. Мен томонда битта фарзин, битта рух, битта от ва битта пиёда. Уники эса — битта шоҳ. Унда галабага тулиқ ишонч бор, менда эса мағлубиятга... Шунда ўзимда ички бир қайсарликни сездим. «Нега энди ютқазилшим керак? Наҳотки бирор йўл излаш мумкин эмас? Наҳотки...» Ақлимни ишга солдим. Ўзим севган йирик шахматчилар тажрибаларини куз олдимга келтирдим. Миямда нимадир «ярқ» этди. Шоҳнинг йўлини бекитиб ташладим! Дуранг натижа бўлди. «Навоий шахри чемпиони» деган ном беришган, ушанда.

Утган йили ўқишимни «Бустон» посёлкасидаги махсус лицей-интернатга кучирдим.

Бу ерда ҳам шахмат машғулоти давом этаётти. Отам бу соҳада «билишимни тез-тез текшириб турадилар. Онам эса «Энди катта қиз бўлиб қолдинг, Роҳат, рўзгор юмушларини қиз бола шахматдан кура яхшироқ билиши керак» дейдилар. Лекин, шундай дейдилару, ўзлари шахматга оид турли китобларни қидириб топиб, дарс столимга келтириб қўядилар. Машҳур шахматчи Мамажон Муҳиддиновнинг «Ун тўққиз чемпион» китобини ҳам онам келтириб берган менга. Хуллас, оиламиздагиларнинг ҳаммалари менинг кучли шахматчи бўлишимни, мусобақалардан голиб бўлиб қайтишимни исташди. Айниқса бувим. Ҳая, бувим ҳақида сизга гапирмадим-а. Ҳамманинг «Малика ая»си у киши. Қишлоқдаги тую-маъракалар бувимларсиз утмайди. Айниқса, «келин салом»ларни қойиллатиб айтадилар. Шу ҳақда битта китобларим бор. Бизлар сура-сак бермайдилар. Гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа беркитиб юрадилар. Ўзлари 75 ёшдалар. Мен яхши уйнаган куним ёш боладек қувониб ётадилар, қандай уйин бўлганини сураб-суриштирадилар. Ўзлари ҳам шахматни яхши биладилар-да. Шашкани кўпроқ ёқтирадилар. Купинча бирга уйнаймиз. Бувимни бирор мартаям шашка уйинида қолдиролмаганман...

Уйимизда бувим, отам, онам, мен, акам ва опамдан ташқари яна бир кичик шахматчи бор. У жажжи синглим Озода. Унга мен шахматнинг энг содда йўлларини ургатиб бораёпман. Синглим билан жуда иноқмиз. Айниқса Белка ва Бурузани сайрга олиб чиқганимизда мазза қиламиз. Улар кимлар, дейсизми? Кучукларимиз. Иккови ҳам ақлли, хўпёр... Буруза-ку, айтганингизни шу зумдаёқ бажаради. Номини ҳам ўзим қўйганман. Бир фильмда худди шу номдаги итга ҳавас қилиб. Биласизми, уша ит эгаси касал бўлиб қолганида дуконга бориб нон олиб келади. Аммо, уни купчилик тушунмай, устидан қулишади. Шу кинони куриб утириб, роса йиғлаганман. Баъзан синглимга эртақлар айтиб бераман. Шунда у «итлар ҳақидаги эртагингизни айтинг» дейди. Мен эса уша фильмни эртақ қилиб гапириб бераман, албатта озгина қўшиб-чатиб...

Онам айтганларидек, рўзгор юмушларига ҳам қарашаяпман. Бир неча хил овқатларни ўзим тайёрлайман. Нон ёпишним биланман. Синглимга дастурмолчалар тикиб бераман. Бувим гоҳида ёнларига чақириб, бирор нарсани тикишларида ердам беришимни сурайдилар. Баҳона-да. Олдиларига утқазиб, насихат қиладилар. «Қиз бола ширинсуз, одобли бўлиши керак. Катталарни ҳурмат қилиши, улар олдида овозини қаттиқ қўйиб кулмаслиги, дағал гапирмаслиги керак. Озода бўлиши керак қиз бола, онасидан ҳамма юмушни урганиб олиши керак» дейдилар. Мен индамай эшитаман. «Қари биланни пари билмас» дейишадику. Бувимлар эса «Балли қизим, айтганларим ҳаммаси эсингда қолди-а» деб елкамга қоқадилар...

Отам эса «Инсон ҳар томонлама билимли бўлса ҳаётда қоқилмайди» дейди. Менга турли бадиий китоблар ўқини маслаҳат берадилар. Менга тарихий асарлар кўпроқ ёқади. «Юлдузли тунлар»ни уч марта ўқиб чиққанман. Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповнинг шеърларини қайта-қайта ўқийвераман. Ўзим ҳам буш пайтларимда, баъзан кечалари утириб шеър машқ қиламан. Ёзганларимни энг аввал буюижонимга ўқиб бераман. Улар мени куп мақтайдилар-да, шунинг учун...

Лицейга утганимдан бери шахмат билан янада кўпроқ шуғулланыпман. Тренеримиз Шукр Ҳамдамов мураккаб усулларни урганишимда кумак бераётти. Дебютларни чуқурроқ урганишим керак ҳали. Умуман шахмат ажойиб нарсаси. У кишига «ўз-ўзига ишонч» кайфиятини беради. Шахмат тахтаси ёнида шу кайфият билан утирсанг ишонч журъатга айланади, журъат эса галабага етаклайди! Галабадан сунг киши уйнагиси, яна уйнагиси келаваради. Ютуқ билан қайтган кунларимда кечаси билан ухламай ўз-ўзим билан шахмат уйнаб чиққанам эсимда. Келажакда ҳам шахматдан кечмоқчи эмасман. Аслида ниятим — журналист бўлиш. Бу учун жуда-жуда куп меҳнат қилишим керак. Меҳнатдан «чучи-майман. Лекин ёзганларимни ҳали ҳеч қайси газета-журналга юбормаганман. Бунинг учун худди шахматдагидек ўз-ўзимга ишонч бўлиши керак. Ана шундагина бу соҳадаим ишларим юришиб кетар...

Сиз кеча менга «Тошкентни бир айлантай деб кепсизда» деганингизда, «Ҳм» деб қўяқолувдим. Аслида бундай эмас. Шахмат бўйича утказилаётган турнир мусобақаларида қатнашиш учун келганман. Зора, омадим келиб... Э, ҳеч бўлмаганда кучли шахматчилар орасида ўз билишимни ошириб кетаманку. Хуллас, умидсизликка тушаётганим йўқ. Ўзимни шунга ургатганман.

Ҳали сизга шеърларимдан ҳам ўқиб бермадим-а. Ўзингиз сурамадингиз-да. Тошкентга келган кунларимда ёзганларимни ўқиб бера қолай. (У берилиб шеър ўқий бошлади.) Қалай, сизга ёқдими? Ўзим шунақаман, бировга ёқса-ёқмаса, ёзавераман. Нимадан таъсирлансам, шунингиз келади... Дугонам Гулчирои «Сен шоира бўласан, Роҳат» дейди. Билмадим, ҳар ҳолда жуда-жуда куп нарсаларга қизиқаман. Ҳаммасини ургангиз келади. Лицейимиздаги адабиёт муаллимаси Ҳожибегим Худойрова эса нукул синфдошим Муҳаббатнинг шеърларини мақтайди. «Бу қиз шоира бўлади» дейдилар (Роҳатой лабларини буради.) Ким бўлишимизни ҳали келажак курсатади. Сизнинг ҳам бошингизни қотириб юбордим, опа. Индамай эшитиб утиравардингиз-а. Яхши экансиз, менга шунақалар ёқади. Майли, бўлмаса мен бораё. Қолган гапларни мусобақадан сунг гаплашамиз. Хўпми? Омон бўлинг, хайр...

Гулчехра
ЖАМИЛОВА ёзиб олди.

Шеър дегани — энг тоза ҳавас

Қаламни мен олдим қўлимга,
Дил сўзларим — куксимда юлдуз.
Шеър ишқи тушди кунглимга,
Ижод қилай ҳар кеча-кундуз.
Мен чумаман доим ҳаёлга:
Шеър ўзи бу нима демасдир?
Камторона таърифлар ила
Шундай жавоб бермоқ кераклир:
Шеърят бу қишлоғим ичра
Уйнаб оққан Зарметон балки?
Лола каби қи-қизил сачраб
Уртачулда ёнади балқиб?
Шеърят — бу оташин нафас,
Нозик қалбин оғритиб бўлмас.

Менинг мурғак дилимга таскин —
Шеър дегани — энг тоза ҳавас.

Эй, бу қадоқ қўллар неларни қўрган,
Кузги даладарда пахталар терган.
Юртининг ҳаёти, роҳати учун
Бу юмшоқ қўлларни утга ҳам урган.
Бу қадоқ қўллардир, чинакам олтин...
Тунлари ухламай бешик бошида.
Беланчак тебратиб айтган аллалар,
Ўзининг бугуни, келажак учун.
Дугоа очилган саҳар паллалар,
Бу нафис аёлдир, ута меҳрибон,
Эҳ, аёл бошидан нималар кечган:
Унинг ҳаётида висолу ҳижрон,
Сув келса — симирган, дарёлар кечган,

Нимадир йўқотган, нимадир топган.
Шу қўнға тупроқни Ватан деб ушган —
Бувимдир, Онамдир — узбек аёли —
Қишлоғимнинг баҳор гули мисоли.

ОРЗУ

Ойлар утар, сунг йиллар утар,
Яна ҳаёт давом этажак.
Устирамиз соғлом авлодни
Кутганимиз еркин келажак.
Қуёшимиз доим порлагай
Юртимиз хўп обод бўлажак.
Меҳнат қилиб, ҳеч бир толмадан,
Дастурхонлар нонга тулажак.
Утиб кетса ҳамки олимлар,
Орзулари бизда қолажак.
Шогирдлари хўп чанқоқ бўлиб

Илмларни тинмай олажак.
Юлдузлари куз чақнагувчи
Турон замин қад тиклаяжак.
Бир тану бир жон бўлиб элар,
Ҳаётини гузал қилажак.
Кимдир кулар, кимдир йиғлагай,
Бу дунёда нелар бўлажак.
Юзлашади юз билан кимдир,
Кимнинг паймонаси тулажак.
Шу тариқа ҳаётимиз ҳам
Дарё каби оқиб этажак.
Биз устирган соғлом авлодлар
Янги замон бахтин битажак.

Роҳат Йўлдошева,
Қизилтепа туманидаги
С. Ражабов номли мактабнинг
9-синф ўқувчиси.

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва
ўсмирларининг газетаси

Бош муҳаррир
Умида
АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Феруза ЖАМИЛОВА,
Раҳима ШОМАНСУРОВА,
Марат ШАФИЕВ,
Сайридин ХОЛОВ
(масъул котиб)

IBM компьютерида терилди ва
саҳифаланди. Офсет усулида
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г 0350.
11.000 нускада босилди.
Қороз бағими — А-3.
Босилишга топшириш вақти 19.00
Топширилди — 18.30

• Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 000137
• Манзил: 700083,
Тошкент шаҳри,
• Матбуотчилар кўчаси,
32-уй.
• Телефон:
33-44-25